



ILM-FAN, TA'LIM-TARBIYA VA INNOVATSION G'OYALAR



**RESPUBLIKA ILMIY –
METODIK MAQOLALAR
TO'PLAMI**

Buxoro - 2018



Demak, $x_2 = 5$ berilgan tenglamaning ildizi, $x_1 = 1$ esa chet, ya'ni begona ildizi bo'ladi.

Demak maqolada irratsional tenglamani yechish haqida dastlabki asosiy tushunchalar berilgan bo'lib, bu tushunchalar misollar yordamida bayon qilingan.

Adabiyotlar:

1. M.Saxayev. Elementar matematika masalalarto'plami. 1-2-qismlar. Toshkent, "O'qituvchi", 1970-1972, 220-236 bet.
2. Д.К. Фаддеев, И.И. Солинский. Алгебра для самообразования. Москва, "Наука", 1966 г.
3. И.С.Тетраков. Математика тугараклари. Тошкент, "Ўқитувчи", 1991 й. 81-88-б.

Иборларда ранглар семантикаси

Г.С.Ҳожиева, БухДУ, ўқитувчи

Фан ва тафаккур — инсон камолотининг етук намунаси, башариятнинг даврлар оша зулматдан ёруғлик томон бошловчи шамчирокдир. Дунёда ҳеч бир илм соҳаси мавжуд эмаски, бир-бирини тўлдирмаса, бир-бирининг ривожланишига хизмат қилмаса, жумладан, тил ва уни тадқиқ этувчи тилшунослик соҳаси ҳам. Бугунги кун тилшунослиги бошқа даврлардан ўзининг муаммоларга янгича ёндашуви ва янгича ечими билан тубдан фарқ қилади. Худди ана шу хусусиятлар тилшуносликнинг муҳим бўлаги ҳисобланган фразеология соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Биз тадқиқ этаётган француз тилидаги фразеологизмлар, хусусан, ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ)ларни ўрганиш ҳам замонавий тилшуносликнинг доимий долзарб масалаларидандир. Қуйида мазкур ибораларга француз адиби Проспер Мерименинг О.Шарафиддинов томонидан таржима қилинган "Карл IX салтанатининг йилномаси/Қўш хато" асари асосида мисоллар келтирилган.

1. Аслиятда: Le temps avait changé, **le ciel était gris**... [1.]

Рус тилида: Погода переменялась, **небо посерело**... [2.]

Таржимада: Ҳаво ўзгаряпти. **Осмоннинг қовоғи солиқ**... [3.]

Француз тилида "gris", яъни, "кулранг" билан жуда кўплаб ФБлар ясалади.

Масалан:

- ✓ la matière grise — миянинг кулранг моддаси;
- ✓ les cheveux gris — оқарган, оқараётган соч;
- ✓ il fait gris — ҳаво булутли;
- ✓ être gris — ширакайф бўлмоқ [4.]
- ✓ barbe grise – қария, оқсоқол;
- ✓ loup gris – катта бўри [5.] ва ҳоказолар.

Аммо "le ciel était gris", "небо посерело" идиомалари таржимада "осмоннинг ранги кулранг", ёки "осмон булутли" деб эмас, айнан "осмоннинг қовоғи солиқ" тарзида мохирона ифода этилганлигини ўзбек таржимонининг тил воситаларидан унумли фойдаланиб, асар таржимасида унинг мохиятини миллий белгиларда очиб бера олганлигида яққол кўриш мумкин.

2. Аслиятда: ... d'ou il ne reviendra que dans quelques années, si **la fièvre jaune** ne le retient pas. [1.]

Рус тилида: ... вернётся оттуда только через несколько лет, если его не задержит **жёлтая лихорадка**. [2.]

Таржимада: Агар **сарик безгакка** чалиниб қолмаса, бир неча йилдан кейин қайтиб келади. [3.]

Тилда “la fièvre” (лихорадка) сўзи “иситма” маъносини англатади. Шунга қарамасдан, у “jaune”(“жёлтая”) “сарик” рангга қўшилиб, алоҳида фразеологик бутунлик ҳосил қилган ва “сарик безгак” шаклида таржима қилинган. Ушбу ФБларнинг ҳаммасида ранг билан боғлиқ сўзлар қатнашади ва бу стилистик жиҳатдан ўхшашлик демакдир.

3. Аслиятда: Quelle folie! s’écria Julie, **roujissant jusqu’au blanc des yeux**. [1.]

Рус тилида: Что за вздор! – воскликнула Жюли, **краснея до ушей**. [2.]

Ўзбек тилида: Нималар деяпсиз?! — хитоб қилди Жюли **қулоқларигача қизариб**. [3.]

“Roujissant jusqu’au blanc des yeux” бирикмаси сўзма-сўз “кўз оқигача қизармоқ”ни англатади. Рус ва ўзбек тилларида ушбу ФБлар образлилик хусусиятига кўра бир хил, яъни, инсон тана аъзоларидан “қулоқ” воситасида ясалган. Умуман олганда, ҳар учала тилга хос иборалар шу тил меъёрлари асосида ясалган ва мазмунан бир-бири билан муқобил ҳисобланади.

4. Аслиятда: Si l’obscurité avait permis de distinguer la figure de Julie, Darcy aurait pu voir qu’**une vive rougeur** s’était répandue sur ses traits en entendant cette dernière phrase...[1.]

Рус тилида: Если бы в темноте можно было различить черты Жюли, Дарси увидел бы, как **краска** разлилась по её лицу при последней его фразе. [2.]

Ўзбек тилида: Қоронғида Жюлининг чеҳрасини кўриш мумкин бўлганида Дарси сўнгги жумлани айтганида унинг **қизариб кетганини** пайқаган бўларди. [3.]

Мазкур мисоллар таҳлил этилганда француз тилидаги “une vive rougeur”, рус тилидаги “краска” ҳамда ўзбек тилидаги “қизариб” сўзларини ўзаро қиёслаб, шундай хулосага келиш мумкин, яъни 1 ва 3-мисолларда айнан ранг воситасида (rougeur-қизғиш, қизариб-“қизил” сўзидан келиб чиққан) ФБ ясалган, 2-мисол бундан мустасно (краска-ранг демакдир). Шунга қарамасдан, барча мисоллар семантик умумийликка асосланган.

Юқорида таҳлил этилган ибораларни жадвал асосида ҳам бериш мумкин:

№	Француз тилидаги ибора	Лексик таржима	Рус тилидаги муқобили	Ўзбек тилидаги муқобили
1.	le ciel était gris	осмон кулранг эди	небо посерело	осмоннинг қоғоғи солиқ эди
2.	la fièvre jaune	сарик иситма	жёлтая лихорадка	сарик безгак
3.	roujissant jusqu’au blanc des yeux	кўз оқигача қизармоқ	краснея до ушей	қулоқларигача қизариб
4.	une vive rougeur	қизил тус	краска	қизариб кетганини

Проспер Мерименинг “Қўш хато” новелласи таркибида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар асарларнинг бадиийлик даражасини, ибораларнинг адабий тилдаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, новеллада қўлланилган фразеологизмларни ўхшашлик, боғлиқлик ва фарқли жиҳатларига кўра ўзаро таққослаб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Проспер Мериме ўз асарларида ранглар, хусусан, сарик, кулранг ва қизил ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлардан эмоционал-экспрессивликни акс эттиришда жуда кенг фойдаланган.
2. Иборалар ҳосил бўлишида инсон тана аъзоларининг номлари ҳам фаол иштирок этиб, улар бевосита маъно кучайтиришга хизмат қилади.
3. Тадқиқ этилган француз тилидаги ФБлар таржимада ибора, сўз бирикма ва баъзан гапга эквивалент бўлиб келади.
4. Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллаларида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар француз, рус, ўзбек халқининг бадиий тил воситаларига нечоғлик бой эканлигидан далолат беради ва фразеология соҳасидаги изланишларда ёш тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Mérimée P. Nouvelles/La double méprise. Éditions du progrès, М., 1976. P. 190-233.
2. Мериме П. Новеллы; Двойная ошибка. Перевод М. Кузмина. М., Правда, 1982. С. 97-138.
3. Мериме П. Карл IX салтанатининг йилномаси/Қўш хато. О.Шарафиддинов тарж., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1986. Б. 281-324.
4. Французча-ўзбекча луғат. Тузувчилар Х. Ибрагимов ва б. Nihol, Т., 2008, 387 б.
5. Сувонова Н.Н. Фразеологиянинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талқини (француз тили материалида) фил.ф.ном...дисс... Т., 2008. Б. 2-166.

Христофор Колумбнинг биринчи саёҳати ва унинг географик аҳамияти

И.Э.Мирзоева, БухДУ, Тупроқишунослик ва география кафедраси катта ўқитувчиси; С.Каримова География т/й IVкурс талабаси

Кишилар ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ ўз жойини билиш ва унда ориентация олиш эҳтиёжлари туфайли айрим, баъзан эса анча кенг тасаввурларга эга бўлганлар. Уларнинг табиатни кузатишлари айрим ҳудудларни кузатишдан бошланган, бу кузатишларни идрок этишлари (тушунишлари) эса афсонавий аҳамиятга эга бўлган. Географик жиҳатдан ўрганиш албатта, асос ва кўпинча ишончли ҳужжатлар инсоннинг тарихий давр ичида географик нуқтаи-назардан из қолиши уларни ёзма маълумотларини белгилайди.

Буюк географик кашфиётлар даври - XV асрда капиталистик ҳўжалик ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари туғилиши билан бозорларга бўлган эҳтиёж ошди. Пуллик айирбошнинг кучайиши олтинга бўлган талабни оширди. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши муносабати билан хомашёга бўлган эҳтиёж кучайди. Ҳукмдор синфлар зеб-зийнат буюмларини ва зирavorларни жуда қимматга олар эдилар. Табиати камбағал Европа бундай эҳтиёжларни қондира олмас эди. Хитой ва Ҳиндистон билан бўлган эски алоқалар туркларнинг 1453-йилда Шарққа борадиган денгиз ҳамда қуруқлик йўлларининг чорраҳаси бўлган Истанбулни босиб олиши билан узилиб қолди. XV асрнинг иккинчи ярмида бой Ҳиндистонга (ўша вақтда шарқдаги мамлакатлар шундай деб юритилар эди) борадиган янги йўлларни қидириш бошланди.

Европаликлардан Христофор Колумб 1451 йилнинг 21-сентябрида Италияда таваллуд топган. Колумб ўша замондаги аксарият

Ф.М.Жураев, М.З.Темирова, Задача аналог Трикоми для нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа, вырождающегося внутри области	118
M.Qarshiyeva, G'.D.Shukurov, Logarifmik tenglamalar yechish usullari	120
G.N. Rahmatova, Ba'zi irratsional tenglamalarni yechish usullari orasidagi bog'lanish.....	122
Г.С.Ҳожиева, Иборларда ранглар семантикаси.....	124
И.Э.Мирзоева, С.Каримова. Христофор Колумбнинг биринчи саёҳати ва унинг географик аҳамияти	126
У.Ҳ.Бадалов, А.Н.Нематов, Руал Амундсеннинг шимоли-ғарбий денгиз йўлини очилишидаги хизматлари	128
Rahmonov R. Qalandarova D. Strabon va uning geografik merosi	131
С.Т.Раҳимова, К.О.Ҳожиева, Агрессив хулқ-атворнинг ижтимоий психологик хусусиятлари	133
М.Р.Рўзиева, Нейролингвистик дастурлашнинг психологик хусусиятлари ...	135
З.С.Ахмедова, Эксперт-психолог фаолиятида қиёфа ва визуал психодиагностиканинг аҳамияти	137
J.Jumayev, G.A.Ashurova, EXCELda biror oraliqdagi murakkab shartni qanoatlantiruvchi qiymatlar yig'indisini hisoblash	139
B.A.Arzieva, Kh.P.Sadikova, Vocabulary as a Base of Acquiring Language Skills	140
Муҳаммадиева Н. Френсис Беконнинг илм-фан соҳасига қўшган ҳиссаси ...	142
Shukurova N. Historical Development of the Polysemy	144
Н.Муҳаммадиева, Собир Бобоёров, Европа маърифатчилигининг асосчиси Жон Локк	146
Болтаева С. Файзулла Хўжаев - давлат ва сиёсат арбоби.....	148
Sh.N.Sayidova, Z.R.Bahronova, Ingliz ma'rifatchiligi va jadid adabiyotida umumiylik va o'ziga xoslik	149
Hayitova D. Ahmedova M. "Ma'naviyat" tushunchasi: ma'noviy umumiylik, lug'aviy ifoda	152
Холиқова М. Бабаев Ж. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ривожланишида ахборот технологияларининг тутган ўрни	155
Babayeva V. Do'stlik rishtalarini mustahkamlashda tarjimashunoslikning roli ...	158
A.T.Qayumova, Ibn Xaldun jamiyatshunoslik fanining asoschisi	160
E.A. Farmanov. O'zbekistonda turizm infratuzilmasining hozirgi holati	162
A.M. Naimova, O'lmas Umarbekovning "Qizimga maktublar" asarida xatlarning tahlili	165
G'aniyev M. Barotova E. Matematika fanining tarixiy rivojlanish davri	166
Sattorova A. Iqtisodiyot va uning bosh masalasi.....	169
Hamdamova G. Developing Presentation Skills in a Foreign Language	171
Yo'ldoshev S. Sog'lom turmush tarzi – salomatlik garovi.....	173
Юлдашев С. История возникновения легкой атлетики	176
Шойимов Ш. Велосипедный спорт.....	177
Болтаев И. Виды легкой атлетики и их характеристика.....	179
Mukhammadiyeva N. All about Reading Skills	181
Bekmurodova Sh. Boburnomada Navoiy haqida	183
Shoimov Sh. Voleybol tarixi haqida.....	184